



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эрназаров Гулам Бекбаевич

Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси “Таълим сифатини назорат қилиш” бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлар номзоди (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шaroитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий фикрлари, қарашлари ва аҳамияти, хизмат кўрсатишда рақобатбардошликни таъминлаш орқали ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, соҳани ривожлантириш орқали аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг йўналишлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизматлар, аҳоли, тадбиркорлик, маҳсулот, рақамли иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, бозор, бандлик, технология, корхона, ривожланиш, истеъмолчи, рақобатбардошлик.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Эрназаров Гулам Бекбаевич

Начальник отдела «Контроль качества образования» Национального исследовательского университета «МЭИ» - филиала ФГБОУ ВО в г.Ташкенте, кандидат экономических наук (PhD)

Аннотация. В данной статье анализируется развитие сферы услуг в условиях цифровой экономики, научные мнения, воззрения и значимость зарубежных и отечественных ученых по вопросам развития сферы услуг, развитие сферы услуг путем обеспечения конкурентоспособности в сфере услуг, роль сферы услуг в национальной экономика, области обеспечения занятости и благосостояния населения

Ключевые слова: услуги, население, предпринимательство, продукт, цифровая экономика, производство, рынок, занятость, технология, предприятие, развитие, потребитель, конкурентоспособность.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY

Ernazarov Gulam Bekbaevich

National Research University “MEI” in Tashkent” head of the Department “Quality control of education” of the federal state budgetary institution of Higher Education, candidate of Economic Sciences (PhD)

Annotation. This article analyzes the development of the service sector in the conditions of the digital economy, the scientific opinions, views and significance of foreign and domestic scientists on the development of the service sector, the development of the service sector by ensuring competitiveness in the service sector, the role of the service sector in the national economy, the areas of ensuring the employment and their well-being

Keywords: services, population, entrepreneurship, product, digital economy, production, market, employment, technology, enterprise, development, consumer, competitiveness.

Кириш.

Сўнги вақтларда “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси жуда кўп марта қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, кўплаб ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт уларнинг ривожланиш омилларига сезиларли даражада таъсир ўтказган. Жамият ҳаётида рақамли иқтисодиёт муҳим омилдир. Рақамли иқтисодиёт тушунча нисбатан узоқ бўлмаган вақтда, 1995-йили Massachusetts университетининг олими Nicolas Negroponte томонидан аниқлаб берилган (Negroponte, 1995; Negroponte, 2010). Олим ахборот-коммуникация технологияларини интенсив ривожланиши ортидан эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишда, қандай ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигини айтиб ўтган.

Асосан рақамли иқтисодиётни ривожланишининг асосий элементи сифатида электрон тижорат, интернет банкинг, электрон тўловлар, рақамли хизмат кўрсатиш, интернет реклама ва шу билан бирга, интернет ўйинлари кўрилади. Ахборот технологияларини ривожланиши ва тадбиқ қилиниши эвазига кундалик ҳаётимизда жуда кўплаб қулайликлар пайдо бўлмоқда. Рақамли технологиялар ривожланиши ортидан инсон, унга керакли хизматдан тезроқ фойдаланиши, интернет орқали ўзига керакли маҳсулотларни арзон сотиб олиш билан кўплаб пул маблағларини тежаши мумкин. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини бошқа афзалликлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришда меҳнат самадорлигини ошириши;
- компанияларнинг рақобатбардошлигини ўсиши;
- ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг камайиши;
- янги иш ўринлари яратилиниши;
- янги замонавий касблар пайдо бўлиши;
- камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгисизликни юқолиши;
- рақамли хизмат кўрсатишда аҳолининг бандлик даражаси таъминланиши.

Булар рақамли иқтисодиётнинг бор йўғи бир нечта афзалликлари ҳолос. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий таъсир қилади, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар беради ва қолаверса, хизматлар бозорини ўсиши ва ривожланишини таъминлаб бериши мумкин. Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Рақамли иқтисодиётда хизмат кўрсатиш тармоқлари ва корхоналар фаолиятини нолдан бошлаши шарт эмас. Бу иқтисодиётда янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали корхона самарадорлигини ошириш мумкин. Рақамли иқтисодиёт корхона фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада оширади, корхона фаолиятида коррупцияни йўқотади. Чунки рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди ва керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Рақамли иқтисодиёт шароитида барча соҳалар каби хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам анча ривожланиб бормоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Ушбу мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшишмоқда.

Ғарбий Европа давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан «хизмат» категориясига қўйидагича таъриф берилган: Хусусан, Котлер (1993) хизматлар деганда йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар «бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан уларни ҳис қилиб бўлмайди ҳамда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин» деб таъкидлаб ўтади.

Кательс (2000) иқтисодиётининг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларни янги тавсифга эгаллиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда

шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг «номоддийлиги» ва «мод-дийлиги» ўртасида мазмунан фарқи йўқолди деб изоҳ беради.

Мелешко (2016) илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта куриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” деб, таъриф бериб ўтади.

Неоклассик мактаб вакили Алфред Маршалл (1993) хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, Маршалл (1993) барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, куз билан илғаб булмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Бурменконинг (2007) берган таърифига кура: «хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак.

Ураков (2011) мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишини ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар билан боғлиқ.

Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида истеъмол бозори таркибида ўзгаришларни вужудга келтирди. Аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлигининг ошиши натижасида хизматларга ўзларининг талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг янги категорияси вужудга келди. Моддий жиҳатдан таъминланган истеъмолчилар ўзларининг ҳаёт қўлайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги хизматларга катта талабгор деб ҳисобланади. Шу сабабли айрим хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини айнан аҳолининг шу талаблар ва эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

Муҳаммедов (2009) хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётдан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатади деб, таъкидлаб ўтади.

Ботирова (2017) илмий ишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизмат турлари, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтган (Ботирова, Икромов, 2017).

Иқтисодчи олим Пулатов (2017) ўз тадқиқотларида инсон капиталига қўйидагича таъриф беради: инсон капитали - кишиларга тааллуқли уларнинг кузга кўринадиган энг муҳим жиҳатлари, жумладан, корхона ходимларининг малакаси, амалий куникмалари, иш тажрибалари, шунингдек ижодий ва фикрлаш қобилиятлари, бу фазилатлардан мақсадли фойдаланилиши турли даражаларда (индивид, корхона ёки жамият) даромад ва фойда ошишига, иш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга имкон беради (Пулатов, 2017).

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти: унинг статистик таҳлили: муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида, бошқа кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани ёритишда таҳлил, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари, рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболлари ўрганилди ва соҳадаги муаммоларни назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ишимизда хизматлар соҳасида рақамли технологияларни қўллаш орқали соҳани ривожлантиришнинг йўналишлари ўрганилди. Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрганилди.

Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, айниқса хизмат кўрсатиш фаолиятини манзилли ва дифференциал тамойилли амалга ошириш борасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш стратегияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида маҳсулот турларини диверсификациясини ошириш орқали истеъмолчиларнинг хизмат сифатидан қониқиш даражасини кучайтириш, ёндашувларда инновацион технологияларни кенг жорий этиш, хизмат турларини диверсификациялаш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бугунги кунда барча соҳаларда катта ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Масалан, жаҳон банки мутахассисларининг тадқиқотлари кўрсатишича, тезкор Интернетдан фойдаланувчилар сонининг атиги 10 %га кўпайтирилиши миллий иқтисодиётялпи ички маҳсулоти ҳажмини ҳар йили 0,4-1,4 %га ошишига туртки бўлмоқда. Жаҳонда рақамли иқтисодиётўсишининг суръатлари ҳозирнинг ўзида йилига деярли 20 %ни ташкил этади. Ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 %га етган. Улар бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта фойда кўрмоқда.

1-жадвал**Худудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм ҳисобида¹²⁸**

Худудлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023 ^{q1}
Ўзбекистон Республикаси	150 889,8	193 697,8	219 978,5	284 388,1	357 554,5	96 758,0
Қорақалпоғистон Республикаси	4 600,2	5 671,8	6 520,3	8 458,4	10 421,9	2 712,7
Андижон	8 011,5	9 803,8	11 413,0	14 459,6	17 642,4	4 688,0
Бухоро	6 631,6	8 413,2	9 843,1	12 574,1	15 780,0	4 236,8
Жиззах	3 283,2	4 305,1	5 024,7	6 395,7	7 984,0	2 135,9
Қашқадарё	7 064,1	8 800,9	10 349,5	12 907,4	15 945,8	4 184,3
Навоий	3 925,6	5 056,2	5 840,5	7 459,6	9 247,2	2 473,7
Наманган	6 067,7	7 747,6	8 928,6	11 619,5	14 722,6	4 035,3
Самарқанд	10 043,5	12 786,8	14 086,1	18 259,0	22 734,9	6 105,8
Сурхондарё	6 079,6	6 981,9	8 013,9	10 387,4	12 878,0	3 434,8
Сирдарё	2 031,4	2 726,8	3 303,0	4 183,1	5 029,8	1 345,5
Тошкент	11 292,9	14 568,4	16 438,3	21 197,4	25 994,9	6 808,7
Фарғона	9 237,9	11 684,1	13 694,4	17 705,2	21 960,3	5 735,4
Хоразм	4 562,8	5 763,3	6 461,2	8 348,1	10 303,2	2 715,8
Тошкент ш.	50 176,2	65 759,2	79 879,3	106 502,8	137 358,1	36 562,4

¹²⁸ www.stat.uz–Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.

Ҳозирда республикаимиз иқтисодиётини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш ва хизматлар соҳасини модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналарини доимий равишда трансформацияланиб борувчи иқтисодиёт шароитида барқарор ривожланиши, уларнинг хўжалик фаолиятида хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишни тақозоэтади. Бу айниқса, пандемия даврида яққол намоён бўлди ва кўп соҳаларнинг рақамли иқтисодиётга асосланиб ишлашининг тезлашишига олиб келди. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш, ҳудуднинг қай даражада АКТ билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлиб, ҳудудларда кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ошишига асосий омил бўлиб хизмат қилади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2023 йил биринчи чораги бўйича энг юқори кўрсаткич пойтахт Тошкентнинг (36 562,4 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келимоқда. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (1 345,5 млрд. сўм), Жиззах (2 135,9 млрд. сўм), Навоий (2 473,7 млрд. сўм) ва Хоразм (2 715,8 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Тошкентда бу кўрсаткичнинг юқорилигига асосий сабаблардан бири ҳам рақамли иқтисодиётнинг шаҳарда тез ривожланишидир. Демак хизматлар соҳасини ривожлантириш учун биринчи навбатда аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш хулқ-атворини шакллантириш ва сифатли интернет тармоқлари билан таъминлаш зарурдир.

Ҳозирда малакатимизда хизматлар соҳасининг ахборот ва алоқа хизматлари, молия хизматлари, транспорт хизматларини ва таълим хизматлари кўрсатиш бўйича юқори ўсиш суръатларини кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати¹²⁹

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023 ^{Q1}
Хизматлар – жами	110,7	108,9	113,2	103,0	119,5	115,9	110,9
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	121,3	115,9	108,3	123,8	126,4	125,5	121,0
молия хизматлари	136,5	121,5	147,0	125,6	128,0	129,3	116,9
транспорт хизматлари	109,9	104,5	106,7	91,4	115,7	112,4	113,7
шу жумладан: автотраспорт хизмати	102,1	101,6	105,1	101,4	115,5	106,5	104,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	112,1	107,0	107,3	80,3	132,3	114,7	105,1
савдо хизматлари	100,3	104,9	107,4	103,8	112,3	109,0	104,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	106,6	107,9	104,7	90,0	123,1	111,1	107,6
таълим соҳасидаги хизматлар	125,6	110,5	109,5	101,0	130,8	115,3	116,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	116,9	113,4	114,7	94,8	128,5	111,5	103,2
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	102,1	110,4	98,3	98,4	118,7	112,2	103,4
компютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	102,6	104,2	107,1	94,5	122,9	109,0	103,6
шахсий хизматлар	100,7	102,2	105,4	94,7	114,4	107,0	103,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	124,7	118,1	115,5	93,3	117,9	107,7	100,1
бошқа хизматлар	111,8	121,2	116,3	99,7	113,0	117,0	108,1

2-жадвал маълумотларида келтирилган маълумотлар натижасида айтиб ўтиш жоизки, меъморчилик, муҳандислик изланмалари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар

¹²⁹ www.stat.uz–Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.

кўрсатиш даражаси 0,1 %ни ташкил қилмоқда. Бу деярли хизматлар кўрсатилмаяпти дегани. Хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун таълим хизматлари бозорини кенгайтириш лозим. Малакали кадрларнинг хизматлар соҳасига кириб келиши соҳани янада ривожлантиради.

Рақамли иқтисодиётнинг муҳим мувоффақият омили бўлиб, давлат, тадбиркорлик ва фуқаролик жамияти учун келгусидаги ҳолатлар ва муаммоларни моделлаштириш ва оператив таъсир кўрсатишни амалга оширишни назарда тутувчи маълумотлар ва бошқарув технологияларининг янги модели ҳисобланади.

Янги бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳар қандай корхона ўзининг асосий мақсадига эришиш учун моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Чунки, шунинг натижасида улар ўз фойдаларини кўпайтиришга, оқибат натижада, фойдалилик даражасини оширишга эришадилар. Хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланилаётган моддий ресурслар ҳар бир элементининг аҳамияти катта. Айрим ҳолларда моддий ресурсларнинг бирон бир элементи йўқлиги истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш имкониятини чеклаб қўяди, айрим ҳолларда эса корхона фаолиятининг умуман тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Қиёсий қарайдиган бўлсак, меҳнат предметлари электр қувватлари ва бошқалар мавжуд бўлмаса хизмат кўрсатиш доираси ҳам чекланади. Шунини таъкидлаш лозимки, корхоналарда хизмат кўрсатиш режасининг бажарилиши, хизматлар таннархининг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, уларнинг белгиланган ассортиментда ва сифатли моддий ресурслар билан таъминланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам корхоналар ўз фаолиятининг самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга ва таъминлашга алоҳида эътибор берадилар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хизматлар таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигини ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда куйидагиларга эътибор қаратиш ўта зарур ҳисобланади (Бойжигитов, 2022):

- корхоналарнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш хажмини, комплекслиги, сифатлиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш (бунинг учун электрон платформа ташкил қилиш);
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг кўрсатилаётган хизматлар хажмига ҳамда таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;
- фойдаланилмай колган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил этиш ва бошқалар

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси эса тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида” кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилди. Ушбу белгилаб берилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, бу ислохатларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини

истиқболда тизимли ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Зеро шундай экан, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида мазкур соҳани ривожлантириш борасида, бир қатор таклифларни бериш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз(2).

Ҳудудларда замонавий бозор хизматлари қўламини кенгайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий муҳитни яратиш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш. Бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Алоқа, транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш, чекка ҳудудларнинг интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини замонавий талабларга мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида бўш турган бино ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш. Бу каби устувор вазибалар хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Альфред Маршалл. (1993) Принципы экономической науки. - М.: «Прогресс», 1993 г.

Бойжигитов Санжарбек Комилжон Ўғли Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари // JMBM. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ra-amli-i-tisodiyot-sharoitida-hizmat-k-rsatish-korhonalari-samaradorligini-oshirish-y-llari>

Ботирова Р., Икромов И. (2017) Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. №11(119)- <http://www.biznesdaily.uz>

Бурменко Т.Д. (2007) Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС. - 328 с. - С. 64-65.

Кастельс М. Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана - М.: ГУВШЭ, 2000 г.

Котлер Ф. Основы маркетинга. - М.: Прогресс, 1993. - С.63-8.

Мелешко Ю.В. (2016) «Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества» // Россия: Интернет-журнал «Экономическая наука сегодня» №4. г.

Муҳаммедов М.М. (2009) “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. Servis jur. №1,- 47-56 б.

Пулатов М.Э. (2017) Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фан-лари доктори диссертацияси автореферати. - Т.: ТМИ, - 66-б.

Ураков Ж.Р. (2011) Хизмат курсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Самарканд вилояти мисолида) // дисс. иқт. фан. номзоди. - Т.: СамИСИ. 15-16 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022—2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz